
Статистика

ЁЗЁВОН АҲОЛИСИ 111 МИНГДАН ОШДИ

Туманимиз аҳолиси 2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, 111679 нафар кишига етди. 2019 йил 1 октябрга нисбатан 2246 нафарга ёки 2 фоизга кўпайди.

Статистик маълумотларга кўра, Ёзёвон аҳолисининг 54262 нафари, яъни 50,9 фоизи шаҳарчада яшашини кўрсатмоқда. Қишлоқ аҳолиси 43711 нафарни ёки 49,1 фоизни ташкил этмоқда.

Ёзёвон туманининг аҳолиси 2002 йилда 74394 нафарни, 2003 йилда 75450 нафарни, 2004 йилда 76449 нафарни, 2005 йилда 77590 нафарни, 2006 йилда 78754 нафарни, 2007 йилда 80191 нафарни, 2008 йилда 82295 нафарни, 2009 йилда 84480 нафарни, 2010 йилда 86332 нафарни, 2011 йилда 87921 нафарни, 2012 йилда 95606 нафарни, 2013 йилда 97356 нафарни, 2014 йилда 98305 нафарни, 2015 йилда 100200 нафарни, 2016 йилда 102200 нафарни, 2017 йилда 104200 нафарни, 2018 йилда 106000 нафарни, 2019 йилда 107835 нафарни, 2020 йил 1 январь ҳолатига 110004 нафарни ва 2020 йил 1 октябрь ҳолатига 111679 нафардан ошди.

Маълумотларга кўра, 2020 йилни 9 ойлик якуни бўйича 2094 нафар туғилиш, 587 та никоҳ ва 35 та ажрим қайд этилган.

2020 йил якуни бўйича Ёзёвон тумани аҳолиси 112200 нафарни ташкил этиши кутилмоқда.

А.АРАПОВ,

туман статистика бўлими бошлиғи.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2020-10-15 10:36:15